

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚИШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. © № 172 (6. 961) 1989 йил 28 июль, жума © Баҳоси 3 тийин

СССР Олий Советининг сессиясида

Москва. (ТАСС). СССР Олий Советининг биринчи сессиясида 27 июлда бир кун аввал бўлиб ўтган. Болтиқ-бўйи республикаларининг иқтисодий мустақиллиги ҳақидаги масалани кўриб чиқишга бағишланган мунозаратга яқун ясалди СССР Олий Советининг аъзолари тасдиқига мазкур масала юзасидан икки қарорнинг лойиҳалари тақдим этилди.

Сессия депутатларнинг мулоҳазалари ва таклифларини ҳисобга олиб, Литва, Латвия ва Эстония ССР Олий Советларининг ана шу республикаларнинг ҳужжалик ҳисобига ўтиши ҳақидаги таклифлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Литва ССР ва Эстония ССР Олий Советларининг мазкур республикаларнинг иқтисодий мустақиллиги ўтиши ҳақидаги таклифлари тўғрисида қарор қабул қилинди. СССР Олий Советининг иқтисодий ислохот масалалари ҳамда қонун чиқариш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича комитетларга бошқа комитетлар ва комиссияларнинг, Литва, Латвия ва Эстония делегацияларининг вакиллари билан биргаликда

мулоҳазалар ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда қайта ишланган қонун лойиҳасини 1989 йил 1 октябрга қадар СССР Олий Советига тайёрлаш ва тақдим этиши тоширилди.

Сўнгра депутатлар СССР Олий Совети Президиуми Фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқишни давом эттирдилар. Тасдиқланган ҳужжатлар орасида 1989 йил 7 апрелдаги «СССРда ижара ва ижара муносабатлари тўғрисида»ги Фармон ҳам бор. Айни вақтда СССРда ижара ва ижара муносабатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш мuddатлари яқинлашаётганлиги муносабати билан ўзгаришлар инобатга олинди. Шунингдек, «Касабо союзнининг ишчи контроли ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармон тасдиқланди.

Шу кунги СССР Олий Совети В. В. Никитининг СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясининг раиси этиб тайинланди.

СССР Олий Советининг сессияси ўз ишлари давом эттирмоқда.



Қувонч бахш этиб

Тошкент «Шарқ гули» бадий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам харидорлар ўртисидан кенг шухрат қозонган. Илгор корхона 200 хилдан зиёд миллий буюмларини ишлаб чиқаради. Дўппи ва сўзаналар, чойшаб ва палаклар, ёстиқ жилдлари шулар жумласидандир. Бу йил бўлган мехнатқашлари 34 миллион сўмлик халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаради.

Сўнгги йилларда корхона маҳсулотлари ҳеч эътирозсиз қабул қилинмоқда. Ишлаб чиқаришнинг барча жаҳадада ишнинг оқилона ташкил этилганлиги буюмларнинг аъло сифатли бўлишига, меҳнат унумдорлигининг ошшига хизмат қилмоқда.

СУРАТДА: бирлашманинг энг чевар каштачиларидан Матлуба Исаева иш устида.

Р. Шагаев ва А. Горюк сурати. (ЎзТАГ).

Шинам уйлар

Пойтахтимизнинг «Генерал Петров» ва «Чизельный» массивлари тобора гўзаллашиб, замонавий турар жой бинолари билан бойиб бораётти. Бу ердаги бунёдкорлик ишларини 2-ўйсозлик комбинатидаги 4-курлиш бошқармасининг азаматлари амалга оширмоқдалар.

Ҳозирги кунда бу ердаги 8 та тўққиз қаватли турар жой бинолари ҳаммаҳарларимиз ихтиёрига топширилган. Ана шундай бинолардан 5 тасида темир-бетон блоклар бир-бирига монтаж қилиниб, яна 2 та бино учун ҳандақлар қазилди ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Бу ердаги қурилуш ишларини бошқарманнинг Алексей Мавридин, Валерий Власов, Илья Кимлар етакчилиги қилётган

комплекслашган бригада ёз-озли оlib боришапти.

— Янги массив бунёдкорлари ҳар ойда беш пудрат бўйича 1 миллион 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишапти, — дейди бошқарма прораби Владимир Борисов. — Бинокорларимиз савратининг иссигига қарамай суръатини бир зум ҳам сусайтирмаган ҳолда кун сайин фидокорона меҳнат қилишапти.

Объектдаги ишларнинг тезкорлиги билан оlib борилишида бинокорлардан Александр Усков, Олег Ковалевский, Евгений Уткин, Александр Ляшев ва бошқаларнинг муносиб хизматлари бор. Улар кунлик нормаларини 1,5 ҳиссадан оёқ этмоқдалар.

Э. ТУЛАГАНОВ.

Тонгги газеталарда

© КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев 26 июль кунги Совет Иттифоқида амалий визит билан келган МХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР Буюк Халқ хурати Президиумининг Раиси Ж. Батмунх билан учрашди.

Бўлиб ўтган сўхбат ҳақидаги ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

© СССР халқ депутатлари съезди СССР Олий Советига берган топшириқларни бажариш доир ишларини ташкил этиш ҳақида СССР Олий Советининг қарори берилган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

325 ВА 351-САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДАН ИГИРМАНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА ҚУШИМЧА САЙЛОВЛАР УТҚАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 54-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарор қилади:

Игирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига қўшимча сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссиялари меҳнат коллективларининг қуйидаги вакиллари билан иборат тасдиқлансин.

Сергели районидagi 325-сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Валерий Иосифович **Хазан** — завод директори, кўчм тўқич мосламалар заводи меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Шаҳри Маҳмадова **Дархонбоева** — ўзбек тили ўқитувчиси, 3-мактаб меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — Лариса Константиновна **Сомкина** — география ўқитувчиси, 3-мактаб меҳнат коллективидан.

Комиссия аъзолари:

Ҳолида Васильевна **Василова** — рус тили ўқитувчиси, 3-мактаб меҳнат коллективидан;

Ирина Яковлевна **Ганинган** — бухгалтер, кўчм тўқич мосламалар заводи меҳнат коллективидан;

Анна Яковлевна **Курасова** — математика ўқитувчиси, 3-мактаб меҳнат коллективидан;

Елена Владимировна **Татусь** — канцелярия мудири, кўчм тўқич мосламалар заводи меҳнат коллективидан.

Фрунзе районидagi 351-сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Александр Евгеньевич **Веневцев** — токар, тўқимачилик комбинати механика заводининг меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Игорь Анатольевич **Балахоненко** — диспетчер, тўқимачилик комбинати механика заводининг меҳнат коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — Наргиза Оқилжоновна **Зуфарова** — иқтисодчи, тўқимачилик комбинати механика заводининг меҳнат коллективидан.

Комиссия аъзолари:

Масхут Шарифжонович **Шакуров** — слесарь, тўқимачилик комбинати механика заводининг меҳнат коллективидан;

Валерий Геннадьевич **Чубаев** — мастер, тўқимачилик комбинати механика заводининг меҳнат коллективидан;

Анбар Азимович **Хужамов** — слесарь, тўқимачилик комбинати механика заводининг меҳнат коллективидан;

Павел Геннадьевич **Чеховский** — слесарь, тўқимачилик комбинати механика заводининг меҳнат коллективидан.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари

Абитуриент—89

Синовдан билимдонлар ўтади

ТошМИга кирверишда худди ошиб турган бир йилгича дуч келдик. Афтидан имтиҳондан ўтолмаган шеклиди, ўта таянч эди.

— Институтга кириш ҳам қийин бўлиб кетди-да, — деди у жаҳл билан. — Эҳ, оғзаки бўлганда, бошлардим-ку! Шу ёмаси чатоқ экан! Шифрининг ким ўйлаб чиқарган экан-а...

— Бу йил бўлмаса, келгуси йили кирасиз, — уни юпатди унинг биз. — Яхши ўқиш, яхши тайёрланиш керак. Сизга бирор ким ердан берман деганми?

Кутилмаган саволдан таажжубга тушган йилги кўларини олиб қочди.

— Ҳа, йўқ... — У атрофга бир қараб олди-да, хайри ҳам насия қилиб, жуфтаникни ростлаб қолди.

Биз эса ҳақиқатан ҳам имтиҳонлар шунчалик қаттиқ олинатишимиз, деган хаёл билан қабул комиссияси томон йўл олди. ТошМининг соя-салқин боғи ичидида барча ўриндиқлар одамлар билан гавжум. Абитуриентлардан ҳаяжонга берилган отаналар кўп. Ҳамманинг нигоҳи эшикда...

— Имтиҳонларини ҳам демократия асосида амалга оширилсин, — деди бизни қарши олган институт партия комитети секретари Адхамжон Воисов. — Бу йил институтимизга кириш учун 5402 киши ариза берди. План бўйича тайёрлов бўлимидаги ларисиз 1306 киши қабул қилишимиз керак. Бундан ташқари бу йил РСФСРдаги олий медицина ўқув юрталарига ҳам аризалар қабул қилиди. 1328 киши РСФСР олий ўқув юрталарида ўқиш истганини билдириб, ариза бердилар.

Бу йил ТошМИ қабул комиссияси ишида ана бир янгилик пайдо бўлди. Қорақалпоғистон АССРининг ўзидан ТошМИга кирувчилар учун қабул комиссияси иш олиб борилди. У ердан 140 киши ТошМИда ўқиш учун қабул қилиниши керак. Қорақалпоқ йилги ва қизлари бу ерда ўз она тилларида имтиҳон топширадилар. Шунингдек, Тошкент областидан 200 киши, Қашқадарь областидан 130 киши, Сурхондарьдан 140 киши қабул қилинади.

Республикамиздаги тиббёт институтлари талабалари сонини ошириш учун

мавжуд институтларнинг моддий-техника базасининг етишмаслигини ҳисобга олиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукуматининг ердими ҳамда СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистондаги маҳаллий йилги-қизларини Россия Федерацияси ва Украина ССРдаги медицина институтларига юбориш айти мудоао бўлди. Эндиликда Россия ва Украинадаги медицина олий ўқув юрталарида кўплаб ёшларимиз етук мутахассис-кадрлар бўлиб етишади.

— Институтга қабул қилишда ўтган йилги қонун қондалар деярли сақлаб қолди.

— дейди ТошМИ қабул комиссияси масъул котиби Файзулла Ваҳодийор. — Урта медицина билим юртини тугатганлар, ўқув ишлаб чиқариш комбинатини битирганлар ва медицина соҳасида меҳнат стажига эга бўлганлар 70 фоиз, мактабин энди битирганлар эса 30 фоиз имтиҳон билан қабул қилинади. Абитуриентлар асосан химия, биология фанларидан ёзма равишда имтиҳон топширадилар. Охирида тил ва адабиётдан ишчи ёзадилар. Қабул ишлари, имтиҳонларни бошқариш электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида амалга ошириляпти. Ҳар бир имтиҳондан олдин отаналардан жамоатчилик комиссияси сайлаб олинади.

ЭСЛАТМА: қўллаб оқшомқонларнинг ва абитуриентларнинг илтимосига биноан 1989 йилда Ўзбекистон ССРдан РСФСР ва Украина ССРга студентлар қабул қилиш планни бермоқдамиз.

Институтлар номи	жам	даволаш факультети	педиатрия факультети
РСФСР			
1. Астрахань медицина институту	200	100	100
2. Бошқирдистон медицина институту	60	40	20
3. Горький медицина институту	100	70	30
4. Догистон медицина институту	40	30	10
5. Иваново медицина институту	50	25	25
6. Қозон медицина институту	50	25	25
7. Красноярск медицина институту	50	25	25
8. Кубань медицина институту	40	30	10
9. Ленинград педиатрия институту	30	—	30
10. 2-Москва медицина институту	25	—	25
11. Оренбург медицина институту	50	25	25
12. Пермь медицина институту	100	50	50
13. Саратов медицина институту	100	50	50
14. Шимолий Осетия медицина институту	250	125	125
15. Ставрополь медицина институту	50	25	25
16. Томск медицина институту	50	25	25
17. Тюмень медицина институту	50	—	50
18. Волгоград медицина институту	150	75	75
19. Новосибирск медицина институту	50	25	25
20. Ростов медицина институту	80	50	30
Жами	1575	795	780
УКРАИНА ССР			
21. Днепрпетровск медицина институту	50	—	50
22. Тернополь медицина институту	50	50	—
23. Черновци медицина институту	50	25	25
24. Львов медицина институту	50	25	25
Жами	200	125	75

© ЭСЛАТМА. РСФСР олий ўқув юрталари давлолаш факультетига ҳужжатлар Тошкент Давлат медицина институту, РСФСР олий ўқув юрталари ҳамда Украина ССР Днепрпетровск медицина институту педиатрия факультетига ҳужжатлар Тошкент педиатрия-медицина институту, Тернополь медицина институту Самарқанд медицина институту, Львов ва Черновци медицина институтларига ҳужжатлар Андижон медицина институтига қабул қилинади.

Тошкент область партия комитетида

Тошкент область партия комитетининг бюроси мажлисида Тошкент области ва Тошкент шаҳрини 1990 йилда социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш лойиҳасига кириштирилган таклифлар кўриб чиқилди. Тақдим этилган лойиҳасида область социал-иқтисодий ривонидида туб ўзгаришларни таъминламайди, унда ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалини тўла ишга солиш кўзда тутилмаган.

1990 йилда саноят корхоналари, капитал қурилиш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш бўйича мўл-жалланган суръат ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилларида айрим кўрсаткичлар бўйича йўл қўйилган қолоқни тўла қоплаш имконини берилади. Канал қурилиш лойиҳасининг моддий-техника таъминоти билан мувофиқлаштириш ҳам янгилик бўлиб, ишлаб чиқишга муҳтоб. СССР Госплани, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Тошкент шаҳар ҳўжалигини 1986—1990 йилларда ривожлантириш тўғрисида»ги қароридида кўзда тутилган кўпгина вазифалар барбод этилмоқда. Ресурсларни иқтисод қилиш йўл-йўриқлари аниқ ишлаб чиқилмаган. Табиати муҳтофазга эътиб, экологини яхшилаш бўйича қўшимча маблағ ажратилиш талаб қилинмоқда.

Область партия комитетининг бюроси область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетларига министрликлар ҳамда идоралар, корхоналар, бирлашмалар, ҳўжаликлар билан ҳамкорликда туб иқ-

тисодий ислохот талаблари, беш йиллик план топшириқлари асосида планлар лойиҳасини қайта ишлаб чиқишни тавсия этиди. Корхоналар бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат коллективлари кенгашлари-га 1990 йилда капитал маблағлардан ишлаб чиқариш объектлари қатори социал соҳа объектлари қуришга ҳам тегириб олиш имкониятларини қидириб топши тавсия этилди. Бунда асосий эътибор социал-маданий соҳасини мустаҳкамлашга, аҳолининг реал даромадлари даражасини оширишга, пул муомаласини яхшилашга қаратилмоғи керак.

Область партия комитети бюроси мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қудратимиз—дўстликда

Олий туйғу

© Халқимизда «Дўст билан обод унинг» деган яхши гап бор. Шаҳримизда қўчалари бўйлаб кезганимиз, унинг жамолига индоҳим тушганида беихтиёр мана шу гап ёдимга келади. Ҳақиқатан ҳам турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек бирлашиб, шаҳарни ривожлантиришга, унинг чиройини янада оширишга куч-гайратларини бағишлаб келмоқдалар. Бундай ҳолатни кўзатган киши ҳар қандамда ўзининг яқин дўстини ўйлайди, у билан бирга бўлгиси, дилдан сўхбат қургиси келади.

Шаҳримизда ўқиб юрган кезларимизда республикамизнинг чекка бир қишлоғидан келган бўлишимга қарамай янги оғайилар, таниш-билишларини орттирдим. Улар менга

Оқибатли бўлайлик

© Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномаси билан танишиб чиқганимдан кейин беихтиёр болалик йилларим ёдимга тушиб кетди. 1966 йили Тошкентда дахшатли зилзила юз бергандан сўнг мен ва мен каби ёшлар Украинанинг пойтахти Киев шаҳри кўчоғи очди. Бу нарса бизни дахшатли қунлардан узоқлаштириш мақсадида қилинган гаумўрли эди. Жонажон шаҳримиз Тошкентдан йироқ бўлса ҳам ўз уйимиздек яшади. Ўшанда мен биринчи бор халқларнинг дўстлиги, тинч-тотувлиги буюк куч эканлигини ҳис этдим. Биз ҳордиқ чиқараётган «Еш гвардия» номли латерга нотаниш бўлган кўплаб украин-

қўш ва иш жараёнида амалий машғуллар даврида яқиндан ердан бериб турдилар. Энди эса инженер-технолог сифатида дастлабки фаолиятини бошлаб юбордим. Янги коллектив, янги жойда ҳам ўзимга яқин кишиларни топиб олинди заррача бўлсада қийналганим йўқ. Халқимиздаги олий туйғу — дўстлик ҳамжиҳатлик бунга катта ердан бери.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасини ҳаяжонланмай ўқиб чиқиш мумкин эмас. Унинг ҳар бир сатри авлодларимизнинг азалий одатини улутлашга йўғрилган.

О. МАХМАЮСУПОВ, инженер-технолог.

Оқибатли бўлайлик

© Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномаси билан танишиб чиқганимдан кейин беихтиёр болалик йилларим ёдимга тушиб кетди. 1966 йили Тошкентда дахшатли зилзила юз бергандан сўнг мен ва мен каби ёшлар Украинанинг пойтахти Киев шаҳри кўчоғи очди. Бу нарса бизни дахшатли қунлардан узоқлаштириш мақсадида қилинган гаумўрли эди. Жонажон шаҳримиз Тошкентдан йироқ бўлса ҳам ўз уйимиздек яшади. Ўшанда мен биринчи бор халқларнинг дўстлиги, тинч-тотувлиги буюк куч эканлигини ҳис этдим. Биз ҳордиқ чиқараётган «Еш гвардия» номли латерга нотаниш бўлган кўплаб украин-

лиқлар келиб, ҳолимиздан тез-тез хабар олиб турар эдилар.

Мурожаатномани ўз вақтида қабул қилинди, деб ҳисоблайман. Ишонманки, ундан республикамизнинг барча аҳолиси ўзларига тегишли ҳолатларини чиқариб оладилар. Чунки у одамларни ҳақиқий инсонпарварликка, байналмиллатликка даъват этади, дўстликка ва уни мустаҳкамлашга чорлайди.

А. ЭРНАЗАРОВ.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги давлат автомобил инспекцияси бошқармаси катта инспектори.

Аҳилликка нима етсин

© Мен яқинда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматдан қайтдим. Хизматда юрган вақтимизда Фарғонадаги бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб жуда ҳижолатда қолдим. Сафдошларимиз кўнглимизни кўтариб, бизга хайрихоҳлик билдиришди, ҳеч бир нарса дўстликка нифоқ сола олмастиз, хизматдан қайтганимиздан кейин ҳам ҳўзиргидек аҳил ва иноқ бўлиб қолшимизга қатъий ишонтиришди. Бу ишонч энди амалда исботланмоқда. Ҳар бир қандамда биз бир-биримизга керак эканлигимизни ҳис этиб турибмиз. Армия сафидан қайтганимга ан-

дигина бир неча ҳафта бўлган бўлсада сафдош дўстларимни қўймайман. Уларни кўришни келиб ўйларига хат ёзиб ўзимни ўзим оутаман. Биз билар ҳали ҳеч нарсани кўрганамиз йўқ. Келажакимиз олдинда. Шунинг учун ҳам ўзимга ўхшаган тенгюр ёшларнинг, йилги-қизларнинг, турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ бўлиб яшашларини истайман.

Х. ЮСУПОВ, Тошкент қишлоқ ҳўжалиги техникуми абитуриенти.

Хуллас, ҳали синовлар олдинда. Имтиҳондан фақат билимдонларгина ўтади.




Хуллас, ҳали синовлар олдинда. Имтиҳондан фақат билимдонларгина ўтади.

М. ХАЛИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: имтиҳон даҳзалари.

Т. Қаринов суратлари.



Одамлар, тақдирлар



Йўл-йўриқларига таянади. Бригадир уларнинг умумий ишлаш учун қўйилган келган ҳаракатни қилади. Учасида махсус буюрмаларга кура чини йиғмаларга «Тинчлик», «Нафосат», ҳамда пахта гулли шакллари туширилади. Опоқ халатларда, турнақатор бўлиб ишлаётганларнинг ўз ваифаларини берилиб бажарайтганларини, ўзаро самимий муносабатларини кўрганда Раънонинг қалби аланечка бўлиб кетади. «Нимага ҳамма шундай самимий эмас, нимага одамлар баян ўзгаларнинг ютугини кўра олмайди, нисон тақдирга лоқайдлик нарғиде турсин, уни топтайдиганлар қандай одамлар экан? Наҳотки ёшларга ҳаётини, яшашни ўргатадиган олий ўқув даргоҳининг педагоглари ораси-

лаштириб, фақат «аъло»га ўқитган бу қизни III курсда Ленин стипендиясига тавсия қилдилар. Раъно химиклик касбинин мукаммал ўлаштиришга аҳд қилганлиги ўқитишдаги муваффақиятларининг гарони бўлди. Мақтабда ўқиб юрган кезларидеяқ дугонасининг онаси Муҳаббат Фозилова Хўжаева ажойиб инсон сифатида унинг қалбини ром этганди. Шунинг учун ҳам Раъно химия фанлари доктори бўлган ана шу аёлга ўхшаб аҳд қилганди. У химияда янгилар яратиш нечоғлик муҳимлиги ҳақида кўп бош қотирарди. Бу соҳада изланишлар олиб борарди. Жамоатчи қизнинг янгилар бевиза кетмади. Институт химия-технология фа-

улари кўзига тор кўриб кетганди. Жанжалли йиғилар туфайли эрта-инди химия қилиниши зарур бўлган диллом иши ҳам қилиб кетди. Хўжаева рухсат беришмади. 1987 йилнинг декабрь ойида эса партия сафидан ўчиришди. Аммо ҳақиқат буниса ҳам синмайди. 1988 йилда, беш йил давомиде фақат «аъло»га ўқитган Раъно курсдошларидан бир йил кейин бўлса ҳам диплом ишини химоя қилди. Имтиёзли дипломга эга бўлди. Партиядан ўчиришган пайтдаги иродасизлиги уни кўп қийнади. У КПСС сафидан жоҳаз ўчирилганлиги ҳақида дастлаб шаҳар партия комитетида, бу ерда талаби қондирилмагач, область партия комитетига мурожаат қилди. У ишлаётган заводнинг пиширув цехи партия ташкилот Раънонинг коммунист деган номга муносиб эканлигига қафолат беришди. Бу табиийдек туюлади. Чунки мутахассис келиши билан цех ҳаёти ўзгача бир тус олганлигини бу ерда ҳамма тани олади. У етакчилик қилаётган бригада икки йилдан буён корхона социалистик мусобақасининг гўлиби бўлиб келпти. Коллективда, бирорта қолоқни учратмайсан. Умумий иш кўрсаткичлари 105 — 110 процентни ташкил қилаётган аҳил ҳаммасабларнинг ишлашини кузатган одамнинг уларга ҳаваси келади. Ҳа, самимийлик бор жойда иш олга босаверади. Бригада ёшу ҳари ишчининг кўли теккан маҳсулот кўзи қувонтиради. Балки бу заводдаги энг масъулиятли участка бўлганлиги туфайлидир. Цех чинисозлари сифат белгиси билан ҳамда турли корхоналарнинг махсус буюрмаларига кўра маҳсулот тайёрлашади. Совга ва асдали учун чини йиғмалар ҳам мана шу цехда ишловдан ўтади. Ишчиларнинг термаларга алоҳида меҳр ва эътибор билан қарашларида, бу ердаги саранжом-сарнишларда, ўзаро ҳамжихатлиги, яқин натижалардан манфаатдорлида бригадирнинг ҳам катта ҳиссаси борлиги аниқ ва равшан. Ҳўш, шундай экан, нима учун коммунист ишчилар Раънога қафолат беришмасин? Улар ўз коллективининг аъзоси бўлган Раъно учун астойдил жон кўйдирдилар. Ахир бу қизнинг жамоатчилик ишларисиз яшай олмаслиги, қайноқ ва жўшқинликка интилишини ҳамма кўриб турибдику. Цехда унинг шарофати билан комсомол фаолияти ҳам жонланиб кетганлигини нима кўзи юма олади?

ПРОДА

да ҳам энди туғилиб, ўсиб келаётган кўртакларни пайҳон қилаётганлар бўлса?». Бенхтёр институтдаги воқеалар яна ёдига тушиб, кўнглига гашиқ чўкиди.

Раъно институтда дастлабки ойларида қўнчилиқнинг диққат-эътиборини ўзига тортган эди. Урта мактабин олтин медал билан битирган қиз олий ўқув даргоҳида ҳам дарҳол ўзгаларга танилди. Биринчи курсда ўқиб юрган кезларидеяқ уни комсомол ташкилотнинг секретари қилиб сайлашди.

— Уша пайтларда рости, ҳаммамиз бир-бирининг яқин билмасдик, — деб эслади Раъно, — Комсомол комитетиде менга ҳаммамнинг комсомол билетларини рўйхатга олишни топширишди. Айтилган кўни аса 1—2 студент комсомол билетини олиб келибди, холос. Олиб келмаганларга мурожаат қилсам, уларнинг каттароғи «Комсомол билети керак бўлса, ётоқхонамиздан ўзингиз олиб келасиз, синглим» деб кесатгани сира эсимдан чиқмайди. Шу кўни ўйлашиб ўтирмай ўша кесатган кўрсодим яшайдиган ётоқхонага «тақлиф қилганингиз?» деб тўғри кириб бордим. Эрталаб ҳар хил кесатқиларни айтиётганлар энди мулазим бўлиб қолгандек. Шу кўндек ҳаммамнинг комсомол билетини йиғиб, рўйхатдан ўтказдим, комитетга ҳисобот бердим.

Раънонинг ўзига ишонини ва қатъийлиги айнан шу воқеа туфайли маълум бўлиб қолди. Кейинги вақтларда курсдошларини унинг бошлаган ишини охирига етказишга бир неча бор гувоҳ бўлишди. Ҳам аъло ўқини, ҳам жамоатчилик ишларини. Институтдаги барча фанларни мукаммал ў-

культети коммунистлари 1984 йилда уни партия аъзолигига қабул қилдишди. Келгуси йили у Москвада бўлиб ўтган жаҳон студент ва ёшларнинг XII фестивалида иштирок этди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1986 йил 31 июлидаги Фармониға бйноан Раъно Ганиева ўн биринчи беш йилликда студент отрядлари составида эришилган ишлаб чиқаришдаги юксак ютуқлари ҳамда ўқиниш, фанда ва жамоат ишларидаги муваффақиятлари учун «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди. Уша йили Гагарин шаҳрида меҳнат қилган Ўзбекистон студент қурилиш отрядига комиссарлик қилганди.

Аммо ертин тавдир, порлоқ истиқбол йўлида тўсиқлар бор экан. Диплом ҳимоясига бир неча кўн қолганда факультет партия йиғилишида Раъно Ганиеванинг шахсий иши муҳомамага қўйилишини эълон қилишди. Маълум бўлишча турли тўхматлардан иборат хатлар уюштирилган экан. Кимдир уни магнитофон олганлиқда, кимдир группа пуллариин кўкна совиришда, кимдир пул олганлиги ҳақида тушунтириш хатлари ёзиб берганди. Институт партия комитети секретарининг ўринбосари «Ҳаммасини бўйинига олсанг енгил бўлади», деб «насиҳат» қилган бўлди.

Бу партия йиғилиши ҳеч қачон Раънонинг ёнидан чиқмайди. Ҳамма бир ишига қарши босса, шикоят уюштирган «дугоналари» йиғилишга келишмаган бўлса, курсдошлари ҳар ёққа тарқаб кетган бир пайтда ёшгина қиз ўзининг ҳақиқини қандай исботлайди? Уша кўнлари дунё

унинг кўзига тор кўриб кетганди. Жанжалли йиғилар туфайли эрта-инди химия қилиниши зарур бўлган диллом иши ҳам қилиб кетди. Хўжаева рухсат беришмади. 1987 йилнинг декабрь ойида эса партия сафидан ўчиришди. Аммо ҳақиқат буниса ҳам синмайди. 1988 йилда, беш йил давомиде фақат «аъло»га ўқитган Раъно курсдошларидан бир йил кейин бўлса ҳам диплом ишини химоя қилди. Имтиёзли дипломга эга бўлди.

Партиядан ўчиришган пайтдаги иродасизлиги уни кўп қийнади. У КПСС сафидан жоҳаз ўчирилганлиги ҳақида дастлаб шаҳар партия комитетида, бу ерда талаби қондирилмагач, область партия комитетига мурожаат қилди. У ишлаётган заводнинг пиширув цехи партия ташкилот Раънонинг коммунист деган номга муносиб эканлигига қафолат беришди. Бу табиийдек туюлади. Чунки мутахассис келиши билан цех ҳаёти ўзгача бир тус олганлигини бу ерда ҳамма тани олади. У етакчилик қилаётган бригада икки йилдан буён корхона социалистик мусобақасининг гўлиби бўлиб келпти. Коллективда, бирорта қолоқни учратмайсан. Умумий иш кўрсаткичлари 105 — 110 процентни ташкил қилаётган аҳил ҳаммасабларнинг ишлашини кузатган одамнинг уларга ҳаваси келади. Ҳа, самимийлик бор жойда иш олга босаверади. Бригада ёшу ҳари ишчининг кўли теккан маҳсулот кўзи қувонтиради. Балки бу заводдаги энг масъулиятли участка бўлганлиги туфайлидир. Цех чинисозлари сифат белгиси билан ҳамда турли корхоналарнинг махсус буюрмаларига кўра маҳсулот тайёрлашади. Совга ва асдали учун чини йиғмалар ҳам мана шу цехда ишловдан ўтади. Ишчиларнинг термаларга алоҳида меҳр ва эътибор билан қарашларида, бу ердаги саранжом-сарнишларда, ўзаро ҳамжихатлиги, яқин натижалардан манфаатдорлида бригадирнинг ҳам катта ҳиссаси борлиги аниқ ва равшан. Ҳўш, шундай экан, нима учун коммунист ишчилар Раънога қафолат беришмасин? Улар ўз коллективининг аъзоси бўлган Раъно учун астойдил жон кўйдирдилар. Ахир бу қизнинг жамоатчилик ишларисиз яшай олмаслиги, қайноқ ва жўшқинликка интилишини ҳамма кўриб турибдику. Цехда унинг шарофати билан комсомол фаолияти ҳам жонланиб кетганлигини нима кўзи юма олади?

Нихот, ҳақиқат қарор топди. Яқинда область партия комитети уни КПСС сафидан чиқаришди. Иродас мустаҳкам Раъно ҳошир чинисоз дугоналари билан фидокорона меҳнат қилмоқда. Шикояткор бригадирнинг қисқа фурсатда заводнинг кўзга кўринган жамоатчи коммунистлари сафидан ўрин олмишга, келгусида унинг толеи сараланди, тақдирини порлоқ бўлишга ишончимиз қомил. Васиди МАДИМАРОВА.

«Оқшом»га хатлар
Ёрдамга муҳтожмиз
«Янги шаҳар» маҳалласида 500 га яқин хонадон истиқомат қилади. Ҳашир йўли билан клуб, маҳалла комитети мадорас, соҳасининг боғ ва маҳалла отачонлари учун дам олиш хоналари қурилади. Аҳолининг ўз жамғармалари ҳисобига Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган қаҳрамонларга ёдгорлиги ўрнатилди. Аммо бу ерда дилни хуфтон қилаётган муаммолар ҳам бор. Электр линейларининг ўтказишга аниқ бўлди. Ёғоч стол-балар эскириб қолганлиги натижасида электр микролари тез-тез ўчиб туради. Шунингдек, маҳаллада новоякна ва сарторошхона ҳам йўқ. Бу эса маҳалла кенсалирига ва кўп фарзандли уй бекларига аниқ қийинчиликлар тудирмоқда. Кўпгина хонадонлар ҳанузгача газлаштирилмаган. Ана шу нуқсонларнинг бартараф этилишида юқори партия ва совет органларининг амалий ёрдамларига муҳтожмиз.

Кайковусга мадад керак

Октябрь районидеги 1-бирлашган болалар шифохонаси фойдаланишга топширилганда кўп оналар хурсанд бўлишган эди. Замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлган 4 қаватли муҳтамаб бино, айнакча ремонтдан кейин янада гўзаллашиб кетди. Афсуски, шифохона ёнидан оқиб ўтувчи Кайковус анҳори атрофи ахлатхонага айланиб қолди. Бундан кесал-хонадаги беморлар ҳамда Марказ—27 қаватли, Обнинск маҳалла аҳолисини азийат чекишмоқда. Кайковус ҳам ёрдам кутяпти. Р. ЭРҒАШЕВА, шифохона ҳамшираси.

Талабнома

Сув танқислигидан қийналганлигимиз учун ушбу мактубни йўллагушга мажбур бўляпмиз. Кўчаларимизга водопровод ўтказишга 25—30 йиллар бўлиб, вақт ўттичи билан куярувлар чириб прокисн ҳолга келган, натижада баъзан хонадонларга умуман сув етиб бормайди. Шу ишга алоҳида ўртоқларга кўп меротба мурожаат қилдик, аммо илтимосларимиз ҳанузгача инобатга олинмапти. Айнакча, сарфарзанд оилелардан Омонкелди кўчаси, II проезде яшовчи Ш. Шарипова, З. Курбонова, А. Абдуқодиқовлар хонадонларидеги ёш болалар жузид қийналишяпти. Шаҳар сув ҳўймалиги корхонаси биздан талабимизни қачон бажаради? Октябрь районидеги «Авангард» маҳалла аҳолисини номиден: А. ОРТИҚОВ, шифохона аъзоси, С. ОСИПОВ, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани, 1921 йилдан КПСС аъзоси. Мақтубга жами 17 киши имзо чекиди.

Эгасиз кўча

ШАХРИМИЗНИНГ «Себзор» массиви йилдан йилга обод бўлиб борапти. Лекин кўпалар турар жой бинолар, манзил хизмат кўрсатиш уйлари ва савдо шохобчалари бунёд этилмоқда. Бунга монанд ўз навбатида массив аҳолисини ҳам тобора кўяйиб борапти. Аммо... массивини шаҳарнинг бошқа ерлари билан факат Ойбек кўчаси боғлаб туради ҳолос. Мазкур кўча шаҳримиздаги серкатнов кўчаларининг бири. «Танга» магазиндан то С. Раҳимов номи болалар боғига қадар учта бекат бор. Йўловчиларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадиде шу ораликдаги учта жоғга светофор ўрнатилди. Бу массив аҳолисини беҳад қувонтирди. Негинки, ундан кексаю ёш, мактаб ўқувчилари, қўйинчи, кўпчилиги фойдаланишар эди. Лекин массив аҳолисининг қувонини узоққа чўзимайди. Бонсин, ўрнатилган светофорларга айрим маршуртдаги транспортлардан ташқари бирорта машина роя қилмай қўяди. Ҳозир ҳам шаҳарни «себзор» деб билган, тезликни оширишни севувчи айрим «кучар ҳайдовчилар» бекатлар яқинидаги светофорларни писанд қилмай, қизил чироқ ёниб турса ҳам катта тезлик билан ўз машиналарини бошқармоқдалар. Бу албатта йўловчилар ҳаёти учун катта ваф тудиради. Бу бу масалада кўп меротба шаҳар автотранспорт хизматларига мурожаат этдик, — дейди шу массивида истиқомат қилувчи «Микрон» заводининг ишчиси Гулом Ҳайдаров. — Улар бизга Октябрь район ГАИ ходимларига мурожаат этишимизни маслаҳат бердилар. Октябрь районидеги янги эса Ойбек кўчаси С. Раҳимов райони майдонига қарашли эканлигини таъкидладилар. Ўз навбатида С. Раҳимов районидаги янги ҳам акс жавобни қайтаришди. Икки ўртада Октябрь ва С. Раҳимов районларининг чегараси бўлиши Ойбек кўчаси «ўғай» бўлиб қолди. Оқибатда ҳозир бу кўчадаги транспорт ҳаракатидаги тартибсизликлар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бу эса йўловчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Уларни қаттиқ ташвишлантиряпти. Дарҳақиқат, Гулом Ҳайдаровнинг қувоничи бор. Кўчанинг иккинчи навбати қурилиши неча йиллардан бери чўзиб келинмоқда. Маъжуди эса ремонтлаб ҳолга келиб қолган. Кўчанинг массивга яқин қисмида эса автомобиллар тезлигини оширмаслик ҳақидаги бирорта ҳам огохлантирувчи белги йўқлиги одамни таяжубга солади. Қизик, Ойбек кўчасининг «эгаси» ким экан? «Себзор» массиви аҳолисини номиден: Абдуазим АЛИМОВ, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Тошкент комсомоли

Ишчи-ёшлар нимага қодир?

Тошкентдаги «Шарк гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ёшлар меҳнати билан танишиш, илғор тикувчилар билан сўхбатлашиш ниҳтида бирлашма комсомол комитети котибига уярашдик. Котиб Фарҳод Носиров бизни қарши олар экан, бир ярим соатдан сўнг смена алмашинини айтиш ва шунда бир неча илғор комсомол-ёшлар билан таништиришга ваъда қилди. Котиб—сержантат етакчилардан эди. Сўхбатимиз бирлашма ёшлари ҳақида, комсомол комитетининг фаолияти ҳақида борди.

МАЪЛУМОТ: Бирлашмада 4500 ишчи меҳнат қилади, шулардан 1200 таси комсомол аъзоси. Ишчиларнинг 94 фоизи қизлар. 12 та комсомол-ёшлар бригадаси бор. 400 та бирлашма ишчиси ўш шароитида иш тикши билан банд.

Сўхбатдошимиз дилқас чикди. У ТошДўнинг ҳуқуқшунослик факультетида тақсил олиб, сўнг илмиқияда хизмат қилган, бир неча йил район комсомол комитетиде ишлаган экан. Мана, икки йилдикки корхона комсомол комитети раҳбари.

